

Қиёмат яқин қолганда тилсиз нарсаларнинг тилга кириши



Қиёмат яқин қолганда тилсиз нарсаларнинг тилга кириши

Мўминларга эслатма

15:20 / 02 октябрь 2438

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِرُهُ يَبَأُ نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنَلَا نَعُ هُنَع
عُغْلُبَتَ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
«بَاهَيِّ وَأَبَاهِإُنْكَ أَسْمَلَا
دُوَادُ وَبَأُ مَلْسُمُ هَاوَر
كِشَوِي» : هُظْفَلَو
يَلَا أُرْصَاخِي نَأُ نَوْمَلْسُمَلَا

دَعْبَ أَنْوَكِّي يَّتَحِ عَنِّي دَمْلًا حَالَسْ مَوْحِلْ أَسَم

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Масканлар Ихоб ёки Яҳобгача етади»**, дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар. Абу Довуднинг лафзида:

«Келажакда мусулмонлар Мадинага қамал қилинадилар, ҳаттоки энг узоқ чегаралари Салоҳ бўлиб қолади», дейилган.

Шарҳ: Ихоб – Мадинаи Мунавварадан бир неча мил узоқликдаги жой. Салоҳ эса Хайбарнинг паст тарафидаги жойнинг номи.

Қиёмат яқинлашганда Ислом диёрлари хароб бўлиб, мусулмонлар Мадинаи Мунавварага қочиб бораверадилар. Улар устидан ўрнатилган қамал торайиб бориб, чегара Салоҳ деган жой бўлиб қолади.

هَلَلَا يَلَصَّيْبِنَّا نَعُهُ نَعَو
أَدَبٌ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع
دُوعِيَسَوِ ، أَبْيَرَعُ مَالُسِإِلَا
يَبُوطْف ، أَبْيَرَعُ أَدَبٌ أَمَك
مَلْسُمُ هَاوَر . «ءَأَبَرُعُلَل
يَذِمُّرَّتَلَاو

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ислом ғариб ҳолда бошланган ва келажақда худди бошланган пайтидек, ғариб ҳолга қайтади. Ғарибларга яхшилик бўлсин!»** дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ислом янги тарқала бошлаганда мусулмонларнинг сони ҳам, уларнинг куч ва имкониятлари ҳам жуда оз бўлган. Қиёмат яқин қолганда ҳам яна ўша биринчи даврга ўхшаган ғариб ҳолга қайтилади. Ўшанда ғариб мусулмонлар ер юзидаги энг яхши одамлар бўлиб қоладилар.

هَلَلَا يَلَصَّ هَلَلَا لُؤْسَرَلَا ق
نِي دَلَا نَا «: مَلَسَوِ هِيَ لَع
زُرَاتُ أَمَكِ، زَا جُحَلَا يَلَا زُرَايَل
نَلَقُعَايَلَوِ، أَوْرُجُ يَلَا هِيَ خَلَا
لَقُعَمَ زَا جُحَلَا نَمُ نِي دَلَا
نَا يَلَبَجَلَا سَأْرُ نَمِ هِيَ وُرَا لَا
عَجْرِي وَ، أَبِ يَرْغَ أَدَبَ نِي دَلَا
ءَابَرُغَلَلَا يَبُوطُفَ، أَبِ يَرْغَ
دَسُفَا أَمَ نُوْحَلُصِي نِي دَلَا

يَتُّنُّسُ نِمُّ يَدْعَبُ نِمُّ سُنُّنُ لَّا

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Илон уясига жамлангандек, дин Ҳижозга жамланади. Тоғ эчкилари тоғни қароргоҳ қилиб олганидек, дин ўзи учун Ҳижозни қароргоҳ қилиб олади. Дин ғариб ҳолда бошланган, ғариб ҳолга қайтади. Мендан кейин одамлар бузиб юборган суннатимни ислоҳ қиладиган ғарибларга яхшилик бўлсин!»

لَا قُ هُنَّ عُلَّ لَّا يَضَرُّ سَنَانُ نَع
نِمُّ هُتُّ عَمَّ سَأَثِي دَحُ مَكُّتِ دَحُ أ
هُلَّ لَّا يُّلَّ صِ هَلَّ لَّا لُؤَسَرِ
هِبُ مَكُّتِ دَحُ يَ أَلِ مَّ لَسَوِ هِيَلَعِ
لُؤَسَرِ لَّا قُ : لَّا قُ يَدْعَبُ دَحُ أ
هُيَلَعِ هَلَّ لَّا يُّلَّ صِ هَلَّ لَّا
طَارُشَا نِمُّ نَا : مَّ لَسَوِ
مُ لَعُ لَّا عَفْرِي نَا ؛ عَسَا لَّا
وُشْفَيَوِ ، لَهَجُ لَّا رَهْظَيَوِ
رُمَخُ لَّا بَرُشُتَوِ ، أَنْزَلَا

لَقَيْوْهُ، اَسْنَلْ اَرْثَكَ وَيَو
نُوكَيَّ يَّتَحْ، لَجْرَلْ ا
دِحْ اَوْ مِّيَقَّ ةَ اَرْمَ اَنِ سَمَّخَلْ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг зоҳир бўлиши, зинонинг тарқалиши, хамрнинг ичилиши, аёллар кўп, эркаклар кам бўлиб, элликта аёлга битта эркак бошлиқ бўлиши ҳам Қиёматнинг аломатларидандир», дедилар».

هَلَلَا يَضَرَّ دِيْعَسَ يَبَا نَع
هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَعْ هُنَع
يَدَّلَاوْ: لَاقَ مَلَسَوْ هِيَلَع
مُوقَاتِ اَلْ هَدِيْبِ يَسْفَن
مَلَكُتْ يَّتَحْ ةَ عَسَلَا
يَّتَحْ وَ، سَنَلَا اُعَابِ سَلَا
، هِطَّوَسْ ةَ بَدَّعْ لَجْرَلَا مَلَكُتْ

هُذِخْ فُ هَرْبُخُتَو ، هِلْغَنُ كُ اَرْشَو
«هِذْغَبُ نَمُ هُلْهَ أَثْذَحَ أَمْبُ
يُ ذِمُّرَّتْ لَ اَ ثَ اَلُّ ثَلَا هِذَه يَوْرُ

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, йиртқичлар инсонга гапирмай туриб, кишига қамчисининг учи, кавшининг ипи гапирмасдан туриб, оёғи ундан кейин унинг аҳли нима қилганининг хабарини бермай туриб, Қиёмат қойим бўлмайди».**

Ушбу учта ҳадисни Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда хабари келган Қиёмат яқин қолганда тилсиз нарсаларнинг тилга киришини уламолар икки хил таъвил қилганлар.

Биринчиси – одамлар фисқу фасодга берилиб, гуноҳларга ботиб кетганидан уларга йиртқич ҳайвон ҳам, жонсиз нарсалар ҳам, ҳатто ўзининг тана аъзолари ҳам танбеҳ берадиган бўлиб қолар экан.

Иккинчиси – динни ушлаган одам кам қолганлигидан ҳар бир диндор банда каромат соҳибига айланиб қолар экан. Унга ҳайвон ҳам, жонсиз нарсалар ҳам ва ўзининг тана аъзолари ҳам керакли гапларни айтиб турадиган бўлиб қолар экан.

نَا هُنَّ عُهُلَلَا يَضْرِبُ رِزْيَبَانَع
هَيْلَعُهُلَلَا يَلْصُقُ بِنَلَا
نُورِدَتَا: «أَمْوِي لَاقَمَلَسَو

؟ «سُمُّ شِلِّا هِدَهٗ بَهَدَّتْ نِيَا
مَلْعَا هَلُوسَرُو هَلِلا : اُولَاق
يَّتَح يَرْجَتِ هِدَهٗ نِيَا» : اَلِاق
اَهْرَقَتْ سُمُّ يَلِا يِهَتْ نَت
ةَدِجَاسُ رَخَتْ فِ شَرَعْلَا تَحَتْ
لِاقِي يَّتَح كِلْ ذَكُّ لَازَتْ اَلَف
ثِيحُ نَم يِعْجُرَا يِعْفَتُّرَا اَهَل
حَبُّصُتْ فِعْجُرَتْ فِتْئِج
يَرْجَتُّ مُثْ اِهَعْلُ طُمُ نَمَّ ةَعْلَا ط
اَهْرَقَتْ سُمُّ يَلِا يِهَتْ نَت يَّتَح
ةَدِجَاسُ رَخَتْ فِ شَرَعْلَا تَحَتْ
لِاقِي يَّتَح كِلْ ذَكُّ لَازَتْ اَلَو
ثِيحُ نَم يِعْجُرَا يِعْفَتُّرَا اَهَل

حُبُّصُتْ فُ عَجْرَتِ فِ تِئِجِ
يِرْجَتِ مُثْ اِهْ عِلْ طُمُ نَمَّ ةَ عِلْ اَط
اَهْ نَمُ سْ اِنْ لْ اُرْ كُنْ تِ سَيِ اَل
يَلِ اِيْ هَتْ نَنْ تِ يِّ تَحْ اِيْ يَشِ
شَرْعِلْ اَتَحَتْ كَاذْ اِهْرَقَتْ سُمُ
يِعْفَتْ رَا اَهْلُ لْ اَقِيْ فِ
كِبِرْ عَمُ نَمَّ ةَ عِلْ اَطِ يِحْبُصَا
نَمَّ ةَ عِلْ اَطِ حُبُّصُتْ فِ
هَلْ لْ اَلْ وُسْرَ لْ اَقِ فِ ، «اِهْبِرْ عَمُ
مَلَسَ وِ هَيْ لَعُ هَلْ لْ اِيْ لَصِ
كَاذْ ؟ مُ كَاذْ يَتَمَّ نُوْرَدَتْ اُ»

أَوْ قَبْلُ مِنْ ءَامَنْتَ تَكُنْ لَمْ اِيْمَنْهَا نَفْسًا يَنْفَعُ لَا نِيح

نَاخِي شِلْ أَوْر . خَيْرًا إِيْمَنِيهَا فِي كَسْبَتِّ يُذِمُّ رَتْلًا أَوْ

Абу Зар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бу қуёш қаёққа кетишни биласизларми?»**» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дейишди. У зот шундай дедилар: **«У ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра саждага йиқилиб, «Кўтарил, келган ерингга қайт!» дейилмагунча ўшандоқ тураверади. Кейин чиқадиган жойидан чиқади. Кейин ўзининг Арш остидаги қароргоҳига етгунча юриб бораверади. Сўнгра саждага йиқилиб, «Кўтарил, келган ерингга қайт!» дейилмагунча ўшандоқ тураверади. Кейин яна чиқадиган жойидан чиқади. Сўнгра яна юради. Одамлар ундан ҳеч нарсани инкор қилмайдилар. У ўша Арш остидаги ўз қароргоҳига боради. Ниҳоят, унга «Кўтарил, мағрибингдан чиқ!» дейилади. Шунда у мағрибидан чиқади».** Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ўша қачон бўлади, биласизларми? Бу - олдин иймон келтирмаган ёки иймонида яхшилик касб қилмаган ҳеч бир жонга иймони наф бермайдиган пайтда бўлади»**, дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

يَضَرُّ وَرَمَعِ نُبِ هَلْ لَإِذْبَعُ نَع
نُمُ تُظْفَحَ لَأَقُ هُنَّ هَلْ لَإِ
هُلْ لَإِ لَصِ هَلْ لَإِ لَوْسَر

مَلَّ أَثْيَدَحَ مَلَسَ وَ هَيْلَع
لُوقِي هُتَعَمَس ، دَعَبُ هَسِنَا
عُولُطُ : أَجُورُخ تَايَآلَ لَوَا نِي
جُورُخَو ، أَهَبِرُعَمُ نَمِ سَمِّشَلَا
يَحُضِ سَانَلَا يَلَعِ هَبَّادَلَا
لُبَقُ تَنَاكُ أَمُ هَيْأُو
يَلَعِ يَرُخُ أَلَا فِ أَهَتَبِحَاصِ
مَلَسُمُ هَاوَر . أَبِيرَقِ أَهَرَثِي
هَلَلَا دُبَعَلَا قِ : دَاوَرُو ، دُوَادُ وَبَاوُ
: هَلَزَنُمُ لَابُتُكُلَا أُرُقِي نَاكَو
عُولُطُ أَجُورُخ أَمُ هَلَوَا نُظَاوُ
. أَهَبِرُعَمُ نَمِ سَمِّشَلَا

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ёд олиб, ҳеч ёдимдан чиқармадим. У зотнинг шундай деганларини эшитганман:

«Аломатларнинг биринчи чиқадигани - қуёшнинг мағрибдан чиқиши, чошгоҳ пайтида эса доббанинг - жониворнинг чиқишидир. Қайси бири олдин чиқса, дарров бунисининг орқасидан кейингиси чиқади».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Абу Довуд: «Абдуллоҳ нозил қилинган китобларни ўқир эди. У «Менимча, олдин чиқадигани - қуёшнинг мағрибидан чиқишидир», деди», деб зиёда қилган.

نَا: نَامِيْ اِلَا يِ فِ مِلْسُ مِلَو
نَمِيْ لَانِم اَحِي رُ ثَعْبِي هَل ل
عَدَت اَل فِرِي رَح لَانِم نِي لَأ
هَبَح ل ا قُ ثِم هِب لَق يِ ف اَدْحَأ
هَتَضَبَق اِل ا نَامِي اُ نِم

Муслимнинг «Иймон» бобидаги ривоятида **«Аллоҳ Ямандан ипакдан ҳам майин шамол юборади, у қалбида ачитқи уруғи оғирлигича иймони бор бирорта инсонни қолдирмай қабз қилади»**, дейилган.

مُوقَات اَل: نِي خِي ش ل لَو
رَارِش يَلَع اِل اُ عَاس ل ل
س ا ن ل ل

Икки шайхнинг ривоятида «Қиёмат фақат ёмон одамлар устида қоим бўлади», дейилган.

نَعُوهُ نَعُوهُ لَلَا يَضْرِي سَنَأُ نَعُوهُ
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا
مُوقَاتِ أَلْ «لَأَقَمَّ لَسَوِ
يَفَلَأَقِي أَلْ يَّتَحُّ عَاسَلَا
هَأَوْرَ . «هُلَلَا ، هَلَلَا : ضَرَأَلَا
يِذْمَرَّتْ لَأَوْمَلْسُمُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ер юзида «Аллоҳ, Аллоҳ» дейиш йўқ бўлмай туриб, Қиёмат қойим бўлмайди», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

نَأُوهُ نَعُوهُ لَلَا يَضْرِي فَيَدْحُ نَعُوهُ
هَلَلَا يَلَّصَّ هَلَلَا لُوسَرِ
مُوقَاتِ أَلْ «لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَعُ
دَعَسَأُ نُوَكِّي يَّتَحُّ عَاسَلَا

نَبَا عَكُلْ اَيُّنْ دَلَابِ سَانِلَا يُذِمُّرْتَلَا هَاوَر . «عَكُلْ»

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Пасткашнинг ўғли пасткаш дунёдаги энг саодатли одам бўлмай туриб Қиёмат қойим бўлмайди»,** дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Қиёмат жуда ҳам яқин қолганда Ямандан чиққан шамол туфайли барча мусулмонлар вафот этадилар. Шундан кейингина Қиёмат қойим бўлади.

Мана, Қиёматнинг барча аломатлари айтиб ўтилди. Баъзи уламоларимиз бу аломатларнинг тартибини билиш учун ҳаракат қилиб кўрганлар. Аммо ҳамма аломатларнинг бирин-кетин келиш тартиби қандоқ бўлишини англаш қийин бўлган. Натижада «Қиёмат аломатларининг биринчиси – Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилишлари, охиригиси эса Ямандан чиқадиган шамол экан», деган хулосага келганлар.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан